

АЁЛИНИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛИШНИ ИСТАГАН ЭРКАК ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎРНИ

Ахмаджонова Мухайё Азимбой қизи

Қўқон Университети Андижон филиали
масофавий таълим психология 25_06

талабаси: телефон +99899 910 36 73

E gmail: ahmadjonovamuhayo044@gmail.com

Халимжонов Абдукундуз Рахимжон ўғли

“Компютер инжиреринг ва рақамли
технологиялар” кафедраси ўқитувчиси

Қўқон Университети Андижон филиали

Email. Халимжонов 12.34 @gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17263949>

Аннотатция: Ушбу мақолада аёлнинг олий маълумотли бўлишини истаган эркакнинг жамиятда ва оиладаги психологик ўрни таҳлил қилинади, шунингдек, бу жараённинг кундалик ҳаётга таъсири ёритиб берилади. Бугунги кунда жамият тараққиётида олий маълумотнинг аҳамияти беқиёс даражада ортмоқда. Инсоннинг билимли, тафаккури кенг, савияси юқори бўлиши нафақат шахс, балки оила ва бутун жамият ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади. Шундай экан, эркакнинг ўз ҳаётининг умр йўлдоши – аёлини олий маълумотли бўлишини орзу қилиши ва қўллаб-қувватлаши унинг оиладаги руҳий етуклиги, маънавий дунёси ва ҳаётининг қарашларидан далолатдир.

Калит сўзлар: Аёлнинг жамиятда ўрни, кундалик ҳаёт, жамиятда фаол, психологик, олий маълумотли аёл.

Халқимиз «Бир болага етти қўшни ота-она» нақлида бола тарбияси учун барча масъуллигини чуқур ифодалаб берган. Ҳарб оилаларида эса бола тарбияси учун фақат ота-она жавоб беради. Яъни, қўниқўшнилари болага ақл ўргатиш, уни тўғри йўлга солиш, зарур бўлганда қўниқўшнлардан ўзини сақлайди, тарбиясига аралашмайди. Хуллас, шахснинг шаклланишида, шахс маънавиятининг таркиб топиши ва ривожланишида оиланинг ўрни, аҳамиятини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди.

Оила билан боғлиқ масалалар оилавий ҳаёт психологиясининг асосий муаммоларидандир. Жамиятнинг алоҳида мустақил гуруҳи, муайян институт ҳисобланган оила, айни замонда жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Бошқача айтганда, оиланинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, мазмуни, оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги мавжуд ижтимоий тузумдаги мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-тарихий, маданий шарт-шароитлар билан ҳам белгиланади. Аслида, аёлнинг олий маълумотли бўлиши – бу фақат бир шахснинг эмас, балки бутун оиланинг маънавий ва маданий тараққиётига хизмат қиладиган жараёндир. Чунки билимли она фарзанд тарбиясида, оилада маънавий муҳит яратишда, эркак билан тенг мулоқотда бўлишда муҳим роль ўйнайди.

1. Олий маълумотли аёлнинг жамият ва оиладаги ўрни:

Аёл жамиятнинг асосий тарбиячиси ҳисобланади. Унинг билимли бўлиши:

фарзандлар тарбиясида замонавий, илмий ёндашувни таъминлайди;

эркак билан тенг фикр алмашиш имконини яратади;

оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантиради;

жамиятда фаол, мустақил шахс сифатида ўз ўрнига эга бўлишига замин яратади.

Агар аёл олий маълумотли бўлса, у нафақат ўз оиласида, балки маҳалла, жамоат ва кенг жамиятда ижтимоий фаолият олиб бориши мумкин. Бу эса жамиятнинг барқарорлиги ва маънавий етуклигига хизмат қилади.

2. Эркакнинг аёлини олий маълумотли бўлишини орзу қилиши

Эркак оила бошлиғи сифатида аёлининг билимли бўлишини исташи – унинг юқори масъулиятли ва маънавий етук шахс эканидан далолат беради. Бундай эркак:

аёлининг шахсий ривожланишини қўллаб-қувватлайди;

фарзандларига намуна кўрсатади;

ўз оиласининг маънавий ва маданий савиясини оширади.

Бу ҳолат эркакнинг руҳий етуклиги, психологик барқарорлиги ва келажак ҳақида чуқур ўйлай олиши билан изоҳланади.

3. Кундалик ҳаётда аёлнинг олий маълумотли бўлишининг таъсири

Кундалик ҳаётда билимли аёлнинг ўрни қуйидагича намоён бўлади:

Мулоқот маданияти: турмуш ўртоқлар ўртасида тенглик ва ҳурматга асосланган муносабатлар шаклланади.

Иқтисодий масалаларда: билимли аёл хўжалик юритиш, молиявий масалаларда тежамкорлик ва тўғри қарор қабул қилишда муҳим рол ўйнайди.

Фарзанд тарбиясида: замонавий психология ва педагогика қоидаларидан фойдаланиб, фарзандларни билимли ва маънавийатли қилиб тарбиялайди.

Жамият ҳаётида: билимли аёл ишбилармонлик, ижтимоий фаолият ва давлат бошқарувида ҳам ўз салоҳиятини кўрсата олади.

4. Психологик жиҳатдан таҳлил

Эркакнинг аёлини олий маълумотли бўлишини исташи руҳий жиҳатдан қуйидаги ҳолатларни кўрсатади:

Ижобий психологик ҳолат: у ўзини кучли ҳис қилади, чунки тенг ва билимли турмуш ўртоққа эга.

Оилада барқарорлик: оиладаги можаролар камаяди, чунки мулоқот маданияти юқори бўлади.

Ҳурмат ва ишонч: аёлининг билимли бўлиши унинг шахсиятини ҳурмат қилиш ва қадрлашга олиб келади.

Фарзандлар учун намуналилик: ота-онаси билимли бўлган оилада фарзандлар ҳам билимга интил

Болалар келажаги учун инвеститсия оиланинг энг катта бойлиги бу – фарзандлардир. Эркаклар жуда яхши билишади: болага дастлабки “энг зўр ўқитувчи” бу онадир. Олий талимли она ўз фарзандарига нафақат дарс қилишларига ёрдам беради, балки уларга танқидий фиклашни, саволлар беришдан қўқмасликни, дунёга кенг назар билан қарашни ўргатади. Яна она интеллектуал салоҳиятни асосчисига айланади. Тасаввур қилинг: олий маълумотли аёлнинг эри ўзининг келажакдага бобо ёки бува сифатида “ўқиган, билимли, замонавий авлодни” уетиштиришига ишонч хосил қилади. Қачондир эркакнинг иши тўхтаб қолиши мумкин ёки соғлигида муаммо бўлиши мумкин. Ўз мутахассислигига эга бўлган аёл бу оғир дамларда нафақат психологик ёрдамчи, балки молиявий ёрдамчи ҳам бўла олади. Бу эркакнинг елкасидаги йукни

йенгиллаштиради ва унга тинчлик ва хотиржамлик беради. Кейинги йилларда кенг жамоатчилик ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келаётган масалалардан бири шахс ва оила, оилавий муносабатлар муаммосидир. Бу муаммони ўрганиш бугунги кунда ўзининг тарихий, маданий, миллий ва умумбашарий қадриятларини тиклаётган Ўзбекистон давлати равнақи учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Республикамиз Президенти томонидан 1998 йилнинг «Оила», 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила» йили деб эълон қилиниши ҳам оила масаласининг нақадар долзарб, давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик нутқида Президентимиз Ислон Каримов таъкидланганидек «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир». Инсон маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани оиладир.

Оила қайси миллатга мансуб бўлса, ўша халқнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштириб, бир неча асрлик тарихга эга бўлган анъаналарни, маънавиятни авлоддан-авлодга етказди. Агарда шахснинг шаклланишида биологик, табиий ва маданий муҳит, ижтимоий тажриба, одамлар билан муносабат каби омиллар муҳим аҳамият касб этишини инобатга олсак, буларнинг барчаси оилада мужассамлашгандир. Зеро, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари, кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила маънавият кўрғони ҳисобланиб, оила қайси миллатга тааллуқли бўлса, ўша миллатнинг маънавиятини ўзида акс эттиради. Шарқ оилаларида тарбияланган фарзандлар қатъиятли, матонатли, мақсадга интилувчан, масъулиятли ва ўзига нисбатан талабчанлиги, меҳнатсевар, дўстпарварлиги билан ажралиб туради. Марказий Осиё халқларининг оила хусусидаги қарашлари, фикр мулоҳазалари Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Амир Темур, Алишер Навоий сингари мутафаккирларнинг асарларида ўз аксини топган. Миллий психология тарихида ҳудудимиздаги ижтимоий-психологик фикрлар тараққиётида ўтмиш мутафаккирларимизнинг маданий-маърифий қарашлари муҳим ўрин тутади. Ўзбек оиласига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар, илғор урф-одат ва анъаналар асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб, тараққий топиб келган. Республикамиз Президенти Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий қаҳрамонларидан бирининг «Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас», деб айтган гапларида элимизга хос катта ҳаётий фалсафа мужассам». Шу билан бирга, Абдулла Қодирий ҳам асарларида, айниқса романларида оилавий ҳаёт ҳақидаги, унинг ўзига хос шарқона жиҳатлари хусусидаги қарашларини илгари сурганки, адибнинг бу ҳақдаги фикрлари ҳанузгача мукамал таҳлил қилинган эмас. Адиб романларида ўзбек оиласининг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари, миллий характер хислатларининг

оиладаги шахслараро муносабатларда намоён бўлиши, турли оилавий маросимлар, урфодатлар, анъаналарнинг ижтимоий-психологик моҳияти бадиий тарзда тасвирлаб берилган. Аёллардан фарқли равишда эркаклар ҳиссиётга камроқ бериладилар, назоратдан чиқишга интиланган ҳиссий ҳолатларини ақл-идрок ила тўғри йўналтиришга аёлларга нисбатан кўпроқ қодир бўладилар. Юқоридаги фикрлар эркак шахсини улуғлаш ёки барча ўзбек оилаларида раҳбар эркак киши бўлиши шарт, деган фикрни тарғиб қилиш мақсадида келтирилмаяпти. Балки, бу реал ҳаётда мавжуд ҳолатларни психологик жиҳатдан асослашга уринишдир.

Бугунги кунда жамиятда, шу жумладан, оилада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта ижобий ўзгаришлар бўлаётган ва табиий равишда ҳаёт тарзимиз ҳам давр талаби асосида ривожланиб, юксалиб бораётган бир пайтда ўзбек оилаларидаги етакчилик масаласини ҳар бир эркак ва аёл ўз жуфти ҳалоли билан ўзлари ҳал қилгани маъқул. Шу билан бирга мураккаб, ўта масъулиятли ҳисобланган, оила мустаҳкамлигини таъминловчи мезонлардан бири бўлмиш раҳбарлик-етакчилик масаласини оила манфаати нуқтаи назаридан аниқлаштириб олишда ёшлар халқ педагогикаси, халқимизнинг, отаоналари ва яқин қариндошларининг тажрибасига таяниб, оила психологияси фани, шу соҳа мутахассислари маслаҳатлари асосида иш кўрсалар, оилавий ҳаётда кўп ҳолатда ўзларини хатолардан сақлаган бўлардилар. Оилавий ҳаёт меҳр-муҳаббат ва нафратдан, бахт ва азоб-уқубатдан, психотерапевтик ва психоген омиллардан, ўта ширин ва аччиқ дамлардан, қалбга малҳам бўлувчи ва ҳаётни заҳарловчи, ижодга илҳом берувчи ва инсон ҳафсаласини пир қилувчи ҳолатлардан, айримларга ғурур, шон-шуҳрат, хурсандчилик, бошқаларга иснод, ғам, қайғу келтирувчи кунлардан иборат тақдир жараёнидир. Оилавий ҳаётда авлодлар, ота-оналар, яқин дўстлар тажрибаси асосида яқинларнинг тинчлиги ва хотиржамлигини сақлашга интилиш, уларга имкон доирасида бахтли дамларни кўпроқ инъом қилиш, ақл-идрок билан йўл тутиш, оилани мустаҳкам этишга бор кучни сарфлаш инсоннинг ноҳуш вазиятларга тушишдан асровчи омиллардандир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, аёлнинг олий маълумотли бўлишини орзу қилган эркак – маънавий етук, руҳий жиҳатдан мустаҳкам шахс ҳисобланади. У нафақат ўз оиласи, балки жамият тараққиёти ҳақида ҳам қайғурган инсон сифатида намоён бўлади.

Олий маълумотли аёл ва уни қўллаб-қувватловчи эркак биргаликда барқарор, маънавий ва маданий юксак оила қуриши мумкин. Бундай оилалар эса жамиятда маънавий муҳитни соғломлаштиради, келажак авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. “Оила кодекси” – Тошкент, 2022.
3. Каримова В.М. “Оила психологияси”. – Т.: Университет, 2019.
4. Тўхлиев Б., Қодиров У. “Социология”. – Т.: Академнашр, 2021.
5. Ҳайдаров У. “Аёл ва жамият”. – Т.: Маънавият, 2020.
6. Жаҳон психологияси антологияси. – Тошкент, 2018.
7. Интернет манбалари: www.lex.uz, www.ziyouz.com